

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВ УЛУГБЕК КАХРАМОНОВИЧ

ЭКОЛОГИК НОҚУЛАЙ ҲУДУДЛАРДА ЯШОВЧИ
ОДАМЛАРДА КОБАЛТ-ХРОМ ҚОТИШМАЛИ МЕТАЛ АСОСЛИ
КОНСТРУКЦИЯЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШДА
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Назаров Улугбек Кахрамонович

Экологик нокулай худудларда яшовчи одамларда кобальт-хром котишмали метал асосли конструкциялар билан протезлашда самарадорликни ошириш 3

Назаров Улугбек Кахрамонович

Повышение эффективности зубного протезирования конструкциями с металлическими каркасом из сплава КХС у лиц, проживающих в экологически неблагоприятных регионах 21

Nazarov Ulugbek Kaxramonovich

Increasing the efficiency of dental prosthetics with structures with a metal frame made of CChA alloy in people living in ecologically unfavorable regions 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВ УЛУГБЕК КАХРАМОНОВИЧ

ЭКОЛОГИК НОҚУЛАЙ ҲУДУДЛАРДА ЯШОВЧИ
ОДАМЛАРДА КОБАЛТ-ХРОМ ҚОТИШМАЛИ МЕТАЛ АСОСЛИ
КОНСТРУКЦИЯЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШДА
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib829 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тиббий ходимларнинг малакасини марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Гаффоров Суннатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Мандра Юлия Андреевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD 01/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «9 сентябр» кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 04 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «24» август кунини тарқатилади.
(2021 йил «24» август даги 12 рақамли реестр баённомаси).



А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Илм-фан тараққиёти дунё бўйича саноат, шу жумладан кон-металлургия саноати ривожланишига олиб келди, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ажралган зарарли моддалар шу соҳа ишчиларига салбий таъсир этмоқда. Уларда ноқулай меҳнат шароити ва стоматологик касалланишлар даражаси орасидаги сабаб-оқибатли боғлиқликлар борлиги исботланган. Стоматологик касалликларни даволашда ортодонтик муолажалар ҳам етакчи ўринда туради. Турли касб эгаларида «... кобальт-хром қотишмали металл асосли конструкциялар билан протезлаш афзалликлари...»¹ кўрсатиб берилган. Ҳозирги кунда турли минтақаларда кон-металлургия соҳаси ишчилари орасида тиш протезлаш самарадорлигини ошириш улар меҳнатга лаёқатлилигини оширибгина қолмай, балки улар ҳаёт сифатини ҳам яхшилаши бугунги кундаги эътиборга лойиқ муаммолардан биридир.

Дунё миқёсида борган сари ривожланиб бораётган қора ва рангли металлургия соҳасида турли зарарли моддаларнинг атмосфера ва иш жойи ҳавосига ажралиши ишчилар ҳар хил аъзо ва тўқималарига салбий таъсир қилиши, айниқса оғиз бўшлиғида бу салбий омилларнинг яққолроқ намоён бўлиши, бу ҳолатнинг ишчилар иш стажига, иш жойида яратилган шароитга боғлиқ бўлиши кўплаб илмий ишларда ўз исботини топган. Металлургия саноати ривожланган ҳудудларда вужудга келган экологик ноқулай вазият шароитида меҳнат қиладиган ва яшайдиган одамларда кобальт-хром қотишмали металл асосли конструкциялар билан протезлаш кенг тарқалган, аммо унинг тиббий-ижтимоий самарадорлигини ошириш, протезлашда ишлатиладиган материалларнинг шахсга биологик мослигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўз якунига етгани йўқ ҳамда бу тадқиқотлар давом эттирилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизматни соғлиқни сақлаш стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан турли минтақаларида қандли диабет билан оғриган беморлар стоматологик касалликларини камайтиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, тиббий кўрикларнинг самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари, стоматологик касалликлар асоратларини олдини олиш, ортодонтик хизмат кўрсатиш, кобальт-хром қотишмали металл асосли конструкциялар билан

¹ Жолудев С.Е., Семенчишина В.С. Применение заготовок сплава КХС в виде гранул для профилактики гальванозов полости рта //Уральский медицинский журнал. – 2015. – №. 6. – С. 48-51

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

протезлаш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда саноатда, айниқса кон-металлургия соҳасида банд бўлган ишчилар, шу экологик ноқулай ҳудудда яшовчи аҳоли орасида стоматологик касалликлар тарқалганлиги, улар асоратларини ортодонтик усулда протезлаш орқали даволаш, унда кобальт-хром қотишмалари металл асосли конструкциялар билан протезлашдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда (Ғаффоров С.А. ва ҳаммуал., 2017; Жолудев С.Е ва ҳаммуал., 2019).

Протезлашнинг муҳим омилларида бири биологик мослик бўлиб, бу тиббиёт материалшунослигида кенг қўлланиладиган атама. Биологик мослик материалнинг индивидуал шахс организми тегишли реакциясига мос келадиган мақсадга эришиш қобилияти, деб таърифланади. Материалнинг шахсга биологик мослигини аниқлайдиган қуйидаги мезонлар келтирилган: захарли, иммуноген, генотоксик, канцероген таъсирнинг йўқлиги; биологик мос келадиган материаллар юқумли касалликлар ривожланишига туртки бермаслиги; маҳаллий яллиғланиш реакциясини келтириб чиқармаслиги; тўқималар фаолиятини бузмаслиги; бутун хизмат қилиш даври давомида ўзининг функционал хусусиятларини сақлаб қолиши (Fujishiro T. et al., 2011).

Биологик мос материал тўлиқ инерт бўлиши мумкин эмас, ҳар бир тиббий буюм маълум реактогенликка эга ва индивидуал шахс организми реакцияси йўналиши тиббий фойдаланиш учун материал танлашда ҳал қилувчи бўлиши керак (Савич В. ва ҳаммуал., 2017; Harloff T. et al., 2010). Биологик мослик биоматериаллар деструкцияси ёки биодеградация маҳсулотларига ҳам тегишли (Huber M. et al., 2009).

Стоматологик қотишмани тайёрлагандан сўнг уни қуйиш мақсадида ишлатишга тайёр қилиш учун бир қатор технологик босқичларни амалга ошириш керак, масалан, кварц найчаларга “сўриш” ёрдамида устунча олиш, устунчани бўлакларга бўлиш, механик ва кимёвий қайта ишлаш, механик ёки

электрохимический силликлэш. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, қотишмани ишлаб чиқариш босқичидаёқ унинг тузилиши ва хоссаларини яхшиланишига олиб келади (Жолудев С.Е. ва ҳаммуал., 2015).

Ҳозирги вақтда стоматологлар диққатини оғиз бўшлиғида юзага келадиган эркин радикал оксидланиш жараёнлари жалб қилмоқда. Маълум шароитларда эркин радикаллар ва фаол кислород турларининг ҳосил бўлиши ҳимоявий-компенсатор тавсифга эга, аммо физиологик даражадан юқори концентрацияларда улар оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳужайра тузилмаларига зарар етказиши ва патологик жараённинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин (Носков В.Б., 2008; Кишкун А.А., 2008).

Антиоксидантлар орасида цитоплазмани эркин радикалларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қиладиган гидрофил бирикма бўлган қайта тикланган глутатион ва нафақат фаол кислород, балки фаол оксидланган бирикмаларнинг кучли ва самарали метаболизмини таъминловчи антиоксидант ҳимоя ферментлари ҳам рол ўйнайди (Вавилова Т.П., 2008).

Сенсибилизацияга олиб келиши маълум бўлган қотишма компонентлари ва аралашмалар фоизини аниқлаш мақсадида турли титан қотишмалари спектрал таҳлили диагностика воситасида ишлатилган. Титан губкалари, $TiAl_6Nb_7$, $Ti_{21}SR_x$, $TiAl_6V_4$, $TiAl_6V_4$, TMZF, тоза титан ва титан йодид каби турли хил хом-ашёлар аллергия реакциялар чақирувчи элементлар мавжудлигига таҳлил қилинган. Ушбу хом-ашёларнинг афзаллиги уларнинг коррозияга чидамлилиги, канцероген хавф йўқлиги ва юқори даражадаги биологик мослигидир. Шу билан бирга, ушбу хом-ашёларнинг оз миқдори беморларда юқори сезувчанлик реакцияларини ривожланиши учун етарли бўлиши мумкин (Huber M. et al., 2009; Harloff T. et al., 2010).

Кейинги йилларда адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш, реакциялар аллергия компоненти титан эмас, балки имплант материалнинг таркибидаги аралашмалар туфайли келиб чиқишини тасдиқлайди (Fujishiro T. et al., 2011; Gill P. et al., 2011; Gordin D.M. et al., 2012).

Диссертация мавзусининг олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Бухоро минтақасининг иссиқ иқлимли шароитида организмнинг патология ва патология олди ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасида янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш (2017-2021 й.)» илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади экологик ноқулай ҳудудларда яшовчи одамларда кобальт-хром қотишмали метал асосли конструкциялар билан протезлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

хавфли ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар оғиз бўшлиғи тўқималари патологияларига сабаб бўлаётган кон-металлургия комбинатлари иш жойи зонаси ҳавосининг зарарли кимёвий моддалар билан ифлосланганлигини баҳолаш (Олмалиқ ва Нижний Тагил металлургия комбинатлари мисолида);

зарарли моддалар билан тўйинган худудда фаолият юритувчи ишчиларда металл асосли хом-ашёлар билан тишларни протезлашда галваноз асоратларидан юзага келаётган патологиялар частотасини аниқлаш;

қуйишдан сўнг металл қотишмаларнинг тузилиши ва таркибини металлографик ва кимёвий-спектрал усуллар билан ўтказилган таққослаш ёрдамида кобалт-хром ва никел-хром қотишмаларининг донатор ва устунча шакллардаги хом-ашёлари афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш;

тиббий-кимёвий ва тиббий-электрокимёвий усуллар ёрдамида кобалт-хром ва никел-хром қотишмалари коррозиясининг ўзига хос хусусиятларини донатор шаклли ва таёқча шакллардаги хом-ашёларда исботлаш;

экологик жиҳатдан ноқулай шароитда ишловчи, тишлари қисман йўқолган одамлар ҳаёт сифати, протезлашнинг узоқ муддатли натижаларини донатор кобалт-хром ва никел-хром қотишмаларини қўллаган ҳолда ўрганиш ҳамда ортопедик даволаш алгоритми ва клиник протоколинини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 409 нафар Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Нижний Тагил металлургия комбинати ишчилари, 302 нафар Тошкент шахрининг зарарли моддалар таъсирига учрамаган аҳолиси олинган.

Тадқиқотнинг предмети хавф омилларини аниқлаш учун олинган материаллар; санитар-гигиеник протоколлар, цех терапевти тиббий картаси, аралаш сўлак, қон зардоби, сунъий тиш протезлари ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган металл қотишмалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда клиник, функционал, микробиологик, иммунологик, нейтрон-активация, кимёвий-спектрал, металлографик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли географик худуд ва иқлим шароитидаги кон-металлургия саноати корхоналари ишчиларининг оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималаридаги клиник-функционал ҳолатига ишлаб чиқариш зарарли омилларининг патоморфологик таъсири аниқланган;

оғиз суюқлиги ва биосубстратлардаги клиник-функционал параметрларга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли омиллар ҳамда сунъий тиш протезларини тайёрлашда ишлатиладиган металл қотишмаларнинг биргаликдаги салбий таъсирлари асосланган;

экологик ноқулай ишлаб чиқариш шароити мавжуд корхоналарда ишловчи ва худларда яшовчиларда сунъий тиш протезларини қўллаб ортопедик ёрдам кўрсатишда қўлланилаётган хом-ашёларни электромагнит хусусиятлари, беморнинг биоэлектромагнит реактивлик индекси ҳамда худуд хавосида мавжуд инсон танасига салбий таъсир этувчи омилларни инобатга олиб ёндошиш асосланган;

ортопедик ёрдам кўрсатишда, одамнинг сунъий тиш протезлари хом-ашёларининг ва экологик муҳит параметрларини электромагнит, биоэлектромагнит реактивлик омиллари келтириб чиқарувчи патологияларни

даволаш, ташҳислаш, башоратлаш, кобальт-хром ва никел-хром металл қотишмаларини қўллашга индивидуал ёндошув асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кон-металлургия комбинатлари ишчиларида кузатилаётган оғиз бўшлиғи тўқималарига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шароитда ортопедик ёрдам кўрсатиш - ташҳис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг протоколлари ишлаб чиқилган;

ишчиларга ёрдам кўрсатишда ўзига хос ёндошув протоколлари синовдан ўтказилган, сифат мезони асосланган ва тасдиқланган, натижада протоколларнинг амалий фаолиятда қўлланилиши ташҳис қўйиш ва даволаш ишларининг сифати ва самарадорлиги ошишига олиб келиши асосланган,

салбий экологик фон омиллари негизида аҳамияти мавжуд худуддаги одамларга ортопедик протезлаш муолажалари ўтказишда донатор кобальт-хром қотишмали махсулотни қўлланилиши протезлаш сифати самарадорлигини таъминлаган, турли асоратлар келиб чиқиши олдини исботланган;

биоэлектромагнит реактивлик хусусияти натижасида кузатилган юз-жағ соҳаси патологик жараёнларида «Лира-100» қурилмасидан кенг фойдаланиб, ташҳислаш ва даволаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий назарий ва амалий ёндашув, юқори услубий даражадан тадқиқот усулларидан фойдаланишга асосланган, бу етарли миқдордаги тадқиқотлар, эрта ташҳис қўйиш, оғиз бўшлиғи тўқималарида турли ташқи омиллар таъсиридан кузатилётган биоэлектромагнит реактивлик ҳолатларини вақтида ташҳислаш орқали, бир-бирини тўлдирувчи клиник, стоматологик, биофизик, микробиологик, иммунологик, тиббий-ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хослиги кўрсатилган, натижалар ва хулосалар ваколатли органлар томонидан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ноқулай экологик фон негизида ишлайдиган ишчилар орасида оғиз суюқлиги таркиби ва биосубстратлар фаолиятига салбий таъсир қилувчи омиллар ўрганилганлиги, уларда биоэлектромагнит реактивлик индексининг ўзгариш даражаси бир вақтда ташқи муҳит ва сунъий тиш протезлари тайёрланаётган бирламчи хом-ашёларга боғлиқлиги асосланганлиги, биоэлектромагнит реактивлик индексининг салбий параметрлари оғиз бўшлиғи аъзоларининг касалликлари тури ва сонининг ортишига, ўзига хос клиник кечишига салбий таъсир этиши кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, оғиз бўшлиғининг аъзо ва тўқималарига салбий экологик омиллар таъсири натижасида, оғиз бўшлиғи тўқималаридаги патологик жараёнлар клиникасида оғирлашган тавсифли белгилар кузатилиши тизимлаштирилганлиги, тиш қатори нуқсонларини бартараф этишда салбий экологик фон муҳитидаги аҳолига донатор кобалт-хром қотишмаларни қўллаган ҳолда протезлаш самарали эканлиги, ҳаёт сифатини яхшилаши, клиник протоколлар ишлаб чиқилганлиги, сифат

мезони тасдиқланганлиги, натижада ташхис қўйиш, даволаш сифати ва самарадорлиги ошганлиги, патологик асоратлар ва қайталанишлар камайганлиги, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишчиларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг ривожланиши, эрта ташхислаш ва олдини олиш учун хавф омилларини аниқлашга комплекс ёндашиш асосида:

металлни қайта ишлаш корхоналари ишчилари оғиз бўшлиғи аъзолари ҳолати бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Металлни қайта ишлаш корхоналари ишчилари оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималари функционал-таркибий ҳолати» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 18.06.2020-сонли 8н-р/171-сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома металлга ишлов бериш ишларида оғиз бўшлиғи тўқималарининг функционал-тизимли ҳолатини таҳлил қилиш имконини берган;

кобалт-хром қотишма тиш протезларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тиш протезларида кобалт-хром қотишмани донадар кўринишда фойдаланишни асослаш» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18.06.2020 йилдаги 8н-р/172 сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома кобалт-хром қотишмасидан тиш протезлари учун гранулалар шаклида фойдаланишни асослаш имконини берган;

Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётида, шу жумладан, Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникаси, Вобкент туман стоматология поликлиникаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати поликлиникаси ва Нижний Тагил шаҳридаги 1-шаҳар шифохонаси қошидаги ЕВРАЗ НТМК поликлиникасида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 23.12.2020 йилдаги 8н-д/271-сон хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга жорий этиш ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш ва олдини олиш бўйича комплекс ёндашувни таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу диссертация иши натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишлари натижалари бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, улардан 3 таси илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика илмий нашрларида 1 та, хорижий нашрларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети кўрсатиб берилган, республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Экологик ноқулай ҳудудларда яшовчи одамлар оғиз бўшлиғи ҳолати ва металл-хром асосли қотишмалар билан протезлаш асослари»** маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг стоматологик касалликлар патогенези, тиш протезларига нисбатан интолерантлик клиникаси, бирламчи хом-ашёларнинг физик-кимёвий таркиби ва фойдаланиш учун биоматериаллар ишлаб чиқариш технологияси, турли ишлаб чиқариш корхоналарида технологик муҳитда юзага келаётган омилларнинг инсон организмига салбий таъсири, олдини олиш ва даволаш бўйича илмий-амалий маълумотларни ўзида жамлаган адабиётларни ўрганиш таҳлили тақдим этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Кобалт-хром қотишмали металл асосли конструкциялар билан протезлаш»** тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари тўғрисида маълумотлар ёритиб берилган.

Тадқиқотда Олмалиқ кон-металлургия комбинати (ОКМК 2-гуруҳ), Нижнетагил металлургия комбинатларидан (НТМК 3-гуруҳ) 409 нафар ишчиларнинг қамровли стоматологик статуси, оғиз бўшлиғида кузатилаётган биофизик, биомеханик ва биофункционал ҳолатларни ўрганишда «ЛИРА-100» ускунасида текшириш натижалари, шунингдек назорат гуруҳи сифатида 302 нафар Тошкент шаҳрида яшовчи кон-металлургия комбинатларида фаолият юритмаётган аҳоли олинган. Тадқиқот натижасидаги маълумотлар ЖССТ тавсия этган картага (1997) киритиб борилган.

Стоматологик тадқиқотларда ОКМК ва НТМК ишчиларининг оммавий стоматологик кўрикларида анамнез тўпланган; оғиз бўшлиғида субъектив ҳислар, аъзо ва тўқималар касалликлари тарихи, стоматологик касалликларда организмнинг умумий ҳолати ва ишлаб чиқариш шароитлари билан алоқасига эътибор қаратилган. Сўровда таъм сезиш, оғиз қуриши, сўлак миқдори, ёқимсиз таъм ва хид сезиш, тиш қаттиқ тўқимаси ва шиллик қават шикоятлари аниқланган.

Пародонт тўқимаси ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати, лаблар кўриқдан ўтказилганда; милклар қонаши, қичиш ва ачишни, афт, яра пайдо бўлиши, лаб хошияси кузатилган. Тишлар, тиш қаторлари нуксонлари, пломбалар, тиш протезлари ҳамда уларнинг ҳолати баҳоланган.

Пародонт касалликлари (Ереван, 1984); ОБШҚ касалликлари (МТСИ, 1983) таснифланган, гигиеник индекс (ГИ) (Федорова Л.В., 1982); пародонт

тўқимаси индекслари ва капилляр турғунлиги (ПИ, ПМА) Шиллер-Писарев ва Кулаженко; тиш эмалининг резистентлик синамаси (ТЭР-тест). Окушко В.Р, Косарева Л.И. (1983); тиш эмали ва дентиннинг микроқаттиқлиги (Ремизова С.М., 1965); таъм рецепциясининг функционал мобиллиги (Зайко Н.С., 1958); тиш, сўлак, қон ва соч микроэлемент таркиби (нейтрон-активация усули, Кист Н.Х. ва Гаффоров С.А., 2003); рН-аралаш сўлак (калориметрик усул) таркиби ва унинг тиш протезларига таъсири (рН-метр-милливольтметр «рН-410»); протезларда металл таркибларнинг электрохимёвий потенциали («ЛИРА-100», Назаров У.К. ва хаммуал., 2018) ва тайёрланган протезларнинг клиник баҳоланиш (Трезубов В.В. ва хаммуал., 2011); тирик тўқималар симметрик фаолият ҳолати тўқима ва аъзо нукталарининг биоэлектромагнит реактивлик (БЭМР) индексидан фойдаланилиб, ўрганилган.

Стоматологик, клиник, функционал ва лаборатор усуллар ишчиларда таъм сезувчанлиги – 124 нафар ишчида (ҳар бир корхонадан 62 нафардан), оғриқ ва дискриминация сезувчанлиги – 84 нафар ишчида (ҳар бир корхонадан 42 нафардан), тишларнинг электро-қўзғалувчанлиги – 68 нафар кишида, тишлар эмалининг резистентлиги тести – 60 нафар ишчида (ҳар бир корхонадан 30 нафардан), КГ дан 22 нафар одамда динамикада такроран текширилган.

Шунингдек, 2016 йилдан 2019 йилгача Нижний Тагил ва Олмалик шаҳарлари, санитар-экологик ҳудудларда доимий яшовчи, кўприксимон протезлар билан протезланишга муҳтож, тишларини қисман йўқотган 88 нафар (ҳар бир минтақадан 44 нафардан) бемор икки кичик гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳга, донатор кўринишда чиқариладиган, КХҚ тайёрланган олиб қўйилмайдиган протезлар қўлланилган 44 нафар бемор (16 нафар эркак ва 28 нафар аёл); иккинчи гуруҳга, тиш протезлари асосини хом-ашёси таёқча кўринишида бўлган, беморларга (20 нафар эркак, 24 нафар аёл) ажратилган.

ОКМК ишчилари икки кичик гуруҳларга бўлинган: учинчи гуруҳга олиб қўйилмайдиган протезлар донатор кўринишда чиқариладиган, КХҚ қотишмасидан тайёрланган 44 нафар бемор (16 нафар эркак ва 28 нафар аёл), тўртинчи гуруҳга, шунингдек – тиш протезлари хом-ашёси тайёрланиши таёқча кўринишида КХҚ қотишмасидан тайёрланган 44 нафар бемор (20 нафар эркак ва 24 нафар аёл) кирган.

Тадқиқот ўтказилганида тиш протезларини тайёрлаш учун оптимал конструкция хом-ашёларини танлаш мақсадида ГОСТ 19687-89, ГОСТ Р50444-92 талаблари, ТУ 9442-001-41971715-2007 техник шартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ЛЭМРТ.2276114.100 га кўра конструкция ҳужжатлари комплектида Россияда ишлаб чиқариладиган (Назаров У.К., Жолудев С.Е., Баньков В.И., 2014) «Лири-100» диагностика комплексида фойдаланилган (завод рақами 55ДП) (1-расм).

Оғиз бўшлиғида иммунологик ҳолат - лактоферрин (Лф) ва секретор иммуноглобулин А (IgA) концентрацияси «Вектор-Бест» тест-тизими асосида; ОБШҚ номахсус резистентликни баҳолашда микроорганизмларнинг

буккал эпителий хужайралари билан адсорбцияланиш реакцияси ёрдамида (Базарный В.В., 2011) аниқланган.



1- расм. «ЛИРА-100» диагностика комплекси

Клиник-лаборатор ва тажрибавий тадқиқот учун III-IV даража қимирлашга эга, оғир даражали пародонтит ташҳиси билан олинган тишларда, шунингдек сўлак, қонда макро- ва микроэлемент таркиби нейтрон активация (Кист А.А., 1990) усулида баҳоланган.

Меҳнат шароитининг санитар-гигиеник ҳолатини ҳамда заводларнинг санитар экологик ҳудудини баҳолаш учун кўп йиллик динамикада аҳоли ҳаётининг санитар шароити, касалланиш даражаси ва аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларини тавсифловчи маълумотлар – ЎзР ССВ Давлат санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси, ЎзР ССВ Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ нинг «Гигиена экология ва аҳоли саломатлигининг ахборот бюллетенлари» маълумотларидан, завод лабораториялари тадқиқотлари натижалари, шунингдек вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ва динамикаси касалланиш ҳолатлари сони, кунлар, шу жумладан 100 нафар ишчига ҳисобланганда, 2016-2019 йиллар даврида чораклар бўйича, 16-сон ҳисобот шаклига кўра «Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларини халқаро статистик таснифланиши бўйича қўлланма» ҳисобга олиниб ўтказилган (ЖССТ, 1980).

Натижаларнинг статистик ишланиши Statistica 8.0. va Microsoft Office Excel 2007 компьютер статистик дастурларидан фойдаланиб, вариация статистика мезони асосида, ўрта арифметик катталиқ (M), ўрта квадратик четланиш ва ўрта арифметик катталиқ хатоликларини (m), шунингдек Стъюдент бўйича икки танлов ўртача катталиқ фарқининг статистик ишончлилигини ҳисоблаш учун жадвалларга киритилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўрганилган объектлар ишчилари стоматологик статуси, касалликлар тарқалиши ва стоматологик ёрдамга муҳтожлиги натижалари**» ни ўрганиш ва баҳолашга бағишланган. Тиш кариеси билан касалланиш даражаси ОКМКда 93,5%; НТМКда - 88,02% эканлиги кузатилган. Кариес ўсиши ОКМК ишчиларида - 1,34 тишга; НТМК

даги 0,86 га нисбатан юқори ва назорат гуруҳига (НГ) нисбаттан 1,5-2 баравар юқори бўлган: кимёвий некроз НТМК ишчиларида - 22,4%, ОКМКда - 12,3% ни ташкил этган ва иккала комбинатда ҳам локализацияланган некроз ҳолат устунлиги (мос равишда 72,3-59,0%) қайд этилган.

ОКМК ишчиларида тиш карашлари 53,65% (НГда - 37,9%) кузатилиб, асосан пастки фронтал ва юқори ён тишлар соҳасида аниқланган, НТМК ишчилари орасида тиш тоши кузатилиши ОКМК ишчиларига қараганда 1,8 марта кузатилган.

Ўрганилган корхоналар ишчилари орасида тиш протезларига муҳтожлик 43,5%-54,6%, протезлари мавжудлар 31,4% ва 27,1% кузатилган (1-жадвал).

Протезга муҳтож бўлмаган ишчилар улуши 25,0% дан 18,2% гача, прикусида аномалия бўлган ишчилар улуши эса 15,3% дан 8,0% гачани ташкил қилган. ОКМКда иккала жағ протезга муҳтож ишчилар нисбати 54,6% ни ташкил этган, бу бошқа заводларга қараганда юқори. Бундай протезлашга эркаклар ҳам, аёллар ҳам бир хилда - мос равишда 56,7% ва 50,2% муҳтож бўлган.

1-жадвал

ОКМКда ишчиларда иш стажи, ёш ва жинсга кўра жағларнинг ортопедик статуси ($M \pm m$ % да)

Иш стажи, ёш ва жинс	НТМК		ОКМК	
	Тиш протези мавжуд	Протезлашга эҳтиёж бор	Тиш протези мавжуд	Протезлашга эҳтиёж бор
1-5 йил	11,8±3,3	33,33±4,5	28,31±3,0	38,49±3,24
6-10 йил	20,7±3,4	35,86±3,9	29,2±3,28	51,6±3,61*
11-15 йил	36,0±2,5*	47,8±2,6*	26,6±3,91	62,5±4,3*
16 ва ундан кўп	47,0±4,9*	48,0±4,9*	20,02±3,2	72,6±3,34*
20-24 ёш	11,8±3,3	20,43±4,2	11,20±2,94	35,34±4,45
25-29 ёш	12,4±3,0	37,2±4,4**	17,7±3,3**	46,2±4,4**
30-34 ёш	11,5±3,6	44,8±5,6**	2,40±1,7**	77,1±4,6**
35-44 ёш	44,0±3,2**	47,3±3,2**	40,8±3,4**	57,8±3,4**
45 ёш ва юқори	45,0±3,8**	54,3±3,8**	40,4±3,6**	59,0±3,6**
Эркаклар	29,5±2,1	46,46±2,2	26,43±1,99	56,76±2,24
Аёллар	35,81±3,0	36,74±3,3	28,69±2,94	50,21±3,25
Ўртача	31,4±1,7	43,52±1,9	27,17±1,65	54,62±1,85

Изоҳ: * - 1-5 йил иш стажигга нисбатан ишонччилик. ** - 20-24 ёшлилар маълумотларига нисбатан ишонччилик. х – $P < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан ишонччилик.

ОКМКда касалланганлар даражаси ва динамикасини баҳолаш натижалари, ишчилар орасида ВМЛ билан касалланиш ҳолатлари ва кунлари нисбати бўйича ҳар йили 1-ўринни нафас йўллари касалликлари (мос равишда 25,3% дан 26,9% гача ва 19,6% дан 30,0% гача), иккинчи ўринни овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари (ВМЛ билан касалланиш ҳолатлари ва кунлари бўйича максимал 7,5% ва 7,9%), учинчи ўринни суяк-мушак тизими касалликлари эгаллаган (кўп йиллик кузатувлар учун мос равишда максимал 7,0% ва 7,6%). Бундан кейинги ўринни буйрак ва сийдик йўллари касалликлари эгаллаган (мос равишда, максимал 3,0% ва 3,1%).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу корхонада рўйхатга олинган касалликларнинг 42,5-45,1%и ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг 39,2-51,0% ни ташкил қилган. НТМКда сўнгги йилларда ушбу корxonанинг ишчиларида ВМЛ билан умумий касалланиши пасайган.

Агар 2017 йилда ВМЛ билан касалланиш ҳолатлари сони 876 бўлса, 2019 йилда у 508 га пасайган. Мос равишда ВМЛ кунларининг мутлоқ сони ҳам 12308 дан 7002 гача камайган. Табиийки, 100 нафар ишчига тўғри келадиган ВМЛ кунлари сони сезиларли даражада камайган - мос равишда 77,1 дан 47,0 гача ва 1086,2 дан 662,6 гача кузатилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Оғиз бўшлиғи тўқималари функционал ва носпецифик реактивлик кўрсаткичлари, биосубстратлар микроэлемент таркиби»** ни ўрганишга бағишланган.

Ишчилар тишлари пулпасининг функционал ҳолати НГ да одамларда интакт тишларида қўзғалиш чегараси 4-10 мкА гача бўлса, ўртача 1-тишда - $6,3 \pm 1,0$ мкА, 3-тишда $6,5 \pm 1,6$ мкА, 6-тишда $7,2 \pm 1,9$ мкА гача. НТМК ишчиларида тишларда қўзғалиш чегарасининг пасайиши қайд этилиб, марказий кесувчи тишларда - 52 мкА, Min - 6 мкА, ўртача - $28,3 \pm 1,9$ мкА га тенг бўлган. Қозик тишда қўзғалиш чегарасидаги пасайиш 79 мкА, ўртача - $33,2 \pm 2,9$ мкА бўлган. ОКМК ишчиларида ҳам ўрганилаётган тишларда қўзғалиш чегарасининг пасайиши қайд этилган; максимал қиймати - 48 мкА; минимали - 4 мкА; ўртача $26,8 \pm 1,9$ мкА: Қозик тишдаги қўзғалиш чегарасида энг катта пасайиш мос равишда 73 мкА; 3 мкА; $30,3 \pm 2,4$ мкА ва 48 мкА; 9 мкА; $42,3 \pm 3,9$ мкА гача бўлган.

Ўрганилаётган корxonалар ишчиларида алвеоляр жараённинг вестибуляр юзаси шиллик қаватининг оғриқ сезувчанлиги ва лунж томоннинг 4-, 6-тишлари соҳасида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада пасайишлар кузатилган ($P < 0,01$). Иккита тиш кўрсаткичидаги ўзгаришлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлган ($P > 0,05$).

Электрокимёвий потенциалларнинг олинган қийматлари асосида галванограмма тузилган ва ЭДС (потенциал фарқ) ҳисобланган. Турли хил гуруҳдаги беморларда ЭДС ни ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Протезлаш натижасида оғиз суяклиги рН кўрсаткичлари ўрганилганида, рН нинг металл ишлаб чиқарилишида ишловчи беморларда нордон томонга бироз силжишига қарамасдан (3-жадвал), 1 ва 3-гуруҳ ҳамда назорат гуруҳидаги беморларда натижалар ишончли ($P < 0,05$) эканлиги аниқланган.

2-жадвал

Турли хил гуруҳдаги беморларда потенциал фарқ кўрсаткичлари

Текшириладиган гуруҳлар	Тиш протези турлари	Электрокимёвий потенциал фарқ кўрсаткичи
НТМК: 1-асосий гуруҳ	Металлокерамика	40±10
	Металлоакрил	50±10
	Металл	30±10
НТМК: 2-асосий гуруҳ	Металлокерамика	50±10
	Металлоакрил	50±10
	Металл	40±10
ОКМК: 3-асосий гуруҳ	Металлокерамика	30±10
	Металлоакрил	40±10
	Металл	40±10
ОКМК: 4-асосий гуруҳ	Металлокерамика	40±10
	Металлоакрил	40±10
	Металл	50±10

Маълумотлардан, сўлакнинг рН кўрсаткичи таёкча шаклдаги КХҚ дан тайёрланган тиш протезларига эга беморларда нордон томонга сезиларли силжиши аниқланади (2 ва 4-гуруҳ) (5,92±0,39; 6,3±0,2). Донадор шаклдаги КХҚ дан тайёрланган тиш протезларига эга беморларда сўлак рН кўрсаткичи нордон томонга кам даражада силжийган (1- ва 3-гуруҳ). Сўлак рН кўрсаткичларининг нордон томонга сезиларли даражада силжишининг сабаби нафақат ОБ да КХҚдан тайёрланган тиш протезларининг мавжудлиги, балки металлургия ишлаб чиқаришида физик ва кимёвий омилларнинг таъсири билан боғли, бунинг оқибатида, пародонт касаллиги яллиғланиш характери томонга ривожланаган.

3-жадвал

Турли хил гуруҳдаги беморларда рН-метр кўрсаткичлари (n=120)

Текширилган гуруҳлар	Кўрсаткичлар
Меъёрдаги кўрсаткичлар	7,0±0,2
Донадор шаклдаги КХҚ дан тайёрланган протезлар, n=22 (НТМК)	6,22±0,4
Таёкча шаклдаги КХҚ дан тайёрланган протезлар, n=22 (НТМК)	5,92±0,2
Донадор шаклдаги КХҚ дан тайёрланган протезлар, n=20 (ОКМК)	5,8±0,4
Таёкча шаклдаги КХҚ дан тайёрланган протезлар, n=16 (ОКМК)	6,3±0,2
Таққосланаётган гуруҳлардаги беморлар, n=20	6,4±0,2
Назорат гуруҳидаги беморлар, n=20	6,9±0,3

Макро- ва микроэлемент таркибининг ўзгариши ОКМК ишчилари тишининг цемент қатламида Са (P<0,05) ва Zn нинг 3 баравар камайганлиги қайд этилган. Са ва Zn миқдорида кузатилаётган динамика гиперцементозга олиб келадиган иккиламчи цементнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Гиперцементоз ва цементнинг альвеолалар билан бирикиши жараёни суяк тўқималарининг ушбу қатламида кумуш миқдори ортиши билан бирга учрайган ($P<0,05$).

ОКМК ишчиларида сўлак ва қон таркибида Са миқдорининг кўпайиш ва темирнинг камайиш тенденциясини организмдаги гомеостазни тартибга солишнинг компенсацион механизмларини сафарбар этиш деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга, зарарли омиллар таъсирининг фаоллиги, шубҳасиз, дентиндаги реминерализация ва цементдаги гиперцементоз жараёнларини кучайтирган.

Сўлак таркибида кислотали ва ишқорий фосфатаза, АЛТ, АСТ ва бошқалар ферментлар мавжуд (4-жадвал).

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ОКМК ва НТМКда ишлайдиган одамларда кислотали фосфатаза фаоллигининг кўпайиши аниқланган, бу лизосомал мембраналарнинг дестабилизацияси ва сўлак рН нинг кислотали томонга силжиши билан боғлиқ. Ишқорий фосфатаза фаоллигининг пасайиши сўлакни кислоталашиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Рентген текширув назорат ва асосий гуруҳдаги барча беморларда протезлашдан олдин, олинадиган протезлар қўлланилгандан 12 ва 24 ой ўтгач ўтказилган. Барча НГ ва асосий гуруҳда текширилган беморларнинг 58,2% ида аввалдан эндодонтик даволанган тишлар бўлган. Улардан фақат 30,8% беморларда сифатли эндодонтик даволаниш кузатилган. 2 (ОКМК) ва 3 (НТМК) гуруҳдаги беморларда сақланиб қолган тишлар орасидаги тишлараро тўсиқ $\frac{1}{3}$ баландлигида суяк тўқималарининг резорбция динамикаси эътиборни тортади. Энг яхши ҳолат 2- ва 3 гуруҳдаги беморларда кузатилган. Бутун тадқиқот давомида резорбциянинг сезилмас даражада ўсиши кузатилган. Энг салбий ўзгариш 3-гуруҳ беморлар ишчиларида кузатилган.

4-жадвал

ОКМК, НТМК ишчилари сўлагига фосфатазалар, трансаминазалар фаоллиги ва сўлакдаги умумий оксил миқдори(млмол/л; мг/дл).

Гуруҳлар	Млмол/л да фаоллик				Умумий оксил
	КФ	ИФ	АЛТ	АСТ	
НГ, n=20	21,2±1,4	9,1±0,88	14,6±0,81	12,8±0,78	252,0±14,6
ОКМК, n=24	27,1±1,3 P<0,01	6,2±0,61 P<0,05	24,6±0,81 P<0,01	16,9±0,91 P<0,05	250,6±12,0 P>0,5
НТМК, n=21	26,8±1,2 P<0,01	7,2±0,54 P<0,01	26,2±1,3 P<0,05	17,8±0,91 P<0,01	259,0±11,4 P>0,5

Протезлаш учун мос бўлган иккита материал - пўлат ва синмадан энг мос келадигани пўлатдир, унинг коэффиценти (0,034) синама коэффицентидан (0,055) кичикдир.

Диагностика жараёнида «Лири-100» қурилмасида олинган маълумотлар лаб шиллик қавати рецепторларининг ўрганилаётган стоматологик материал намунасининг реакциясига мувофиқ ўзгаради. Бирламчи хом-ашёларнинг

оғиз бўшлиғи тўқималарига таъсирини материалга бўлган дастлабки ҳолат билан таққослаш орқали аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг бешинчи боби «Даволаш-профилактика чораларидан сўнг сўлакнинг клиник-функционал ва биокимёвий кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш натижалари» га бағишланган.

Комплекс терапия жараёнида, айниқса, гинотардиферон гуруҳида ишқорий фосфатаза фаоллиги бошланғич қийматларга яқинлашган ва ОКМК ишчиларида ўртача $8,8 \pm 0,34$ ммол/л ни ва НТМК ишчиларида $8,4 \pm 0,52$ ммол/л (НГда $9,1 \pm 0,88$ ммол/л га тенг)ни ташкил қилган. Шу билан бирга, АЛТ ва АСТ фаоллигининг энг паст кўрсаткичлари дорилар комплексини (эубиотик, витаминлар ва гинотардиферон) олган беморларда қайд этилган, бу нафақат пародонт хужайралар тузилмавий яхлитлигини, балки унинг зарарсизлантириш функциясининг тикланишига ҳам олиб келган.

Олиб борилган даво-профилактика натижасида ГИ, ПИ, РМА, ТЭР, аралаш сўлакнинг рНи, эмалнинг ўчоқли деминерализация кўрсаткичлари динамикада даволашдан олдин ва кейин баҳоланган. НТМК ишчилари, пародонтит билан оғриган беморларда комплекс даволаш-соғломлаштириш мажмуасидан фойдаланганда ГИ кўрсаткичи 4,2 дан 2,0 га; ПИ кўрсаткичи - 4,8 дан 2,2 гача камайди; аралаш сўлакнинг рН қиймати 5,7 дан 6,0 га кўтарилган. Шу каби ўзгаришлар ОКМК ишчилари орасида ҳам қайд этилди. Худди шу тарзда, РМА индекси пасайиб кетган: НТМК ишчилари орасида - $28,9 \pm 0,77$ дан $20,67 \pm 0,44$ гача; ОКМК ишчилари орасида - $34,69 \pm 0,67$ дан $20,70 \pm 0,88$ гача (5-жадвал).

5-жадвал

Комплекс терапиядан олдин ва кейин ОКМК ва НТМК ишчиларининг сўлагига фосфатаз, трансминаз фаоллиги ва оксил миқдори

Ўрганилган гуруҳлар		Ферментлар фаоллиги ммол/л да			
		КФ	ИФ	АСТ	АЛТ
Назорат гуруҳи		$21,2 \pm 1,4$	$9,1 \pm 0,88$	$14,6 \pm 0,81$	$12,8 \pm 0,78$
ОКМК	Терапиягача	$27,1 \pm 1,3^*$	$6,2 \pm 0,61^*$	$24,6 \pm 0,81^*$	$16,9 \pm 0,91^*$
	Эубиотик	$24,1 \pm 0,74^{**}$	$8,8 \pm 0,44^{**}$	$17,8 \pm 1,02^{**}$	$13,1 \pm 0,24^{**}$
	Витаминлар	$26,9 \pm 2,0$	$6,8 \pm 0,52$	$23,2 \pm 1,84$	$15,2 \pm 0,67$
	Гинотардиферон	$22,6 \pm 1,81^{**}$	$9,6 \pm 0,74^{**}$	$14,0 \pm 1,05^{**}$	$12,6 \pm 0,78^{**}$
	Препаратлар комплекси	$22,1 \pm 1,01^{**}$	$9,0 \pm 0,44^{**}$	$13,1 \pm 0,54^{**}$	$11,4 \pm 0,88^{**}$
НТМК	Терапиягача	$26,8 \pm 1,2^*$	$7,2 \pm 0,54^*$	$26,2 \pm 1,3^*$	$17,8 \pm 0,91^*$
	Эубиотик	$22,4 \pm 1,06^{**}$	$7,7 \pm 0,27$	$13,1 \pm 0,42^{**}$	$12,8 \pm 0,33^{**}$
	Витаминлар	$25,2 \pm 1,33$	$7,0 \pm 0,68$	$25,4 \pm 1,44$	$16,2 \pm 0,81$
	Гинотардиферон	$22,1 \pm 1,43^{**}$	$7,8 \pm 0,89$	$13,0 \pm 1,02^{**}$	$12,6 \pm 0,98^{**}$
	Препаратлар комплекси	$20,8 \pm 0,82^{**}$	$8,4 \pm 0,52$	$12,6 \pm 0,64^{**}$	$12,0 \pm 0,56^{**}$

Эслатма: * - назорат билан таққослаганда ишончлилик; ** - беморларнинг интакт гуруҳи билан таққослаганда ишончлилик (терапиядан олдин ва кейин)

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, ОКМК ва НТМК ишчиларида рационал оғиз гигиенаси эмал-сўлак тизимидаги жараёнларнинг нормаллашишига олиб келади, табиий реминерализация жараёнларини фаоллаштиради, аралаш сўлакнинг бир ойлик кузатишда ҳам сақланиб қоладиган физик-кимёвий хусусиятларида бир қатор ижобий силжишларни келтириб чиқаради деган хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Олмалик кон металлургия ва Нижний Тагил металлургия комбинати ишчилари орасида кариес тарқалганлиги (мос равишда - 93,5%; 88,02%); интенсивлиги (13,7; 9,0 та); кариес ўсиши (1,1; 1,6); кимёвий некроз (22,4%; 12,3%); патологик емирилиши (14,20%; 26,61%); механик шикастланишлар (13,24%; 34,36%); тиш тошлари (53,65%; 57,8%); турли конструкцияли тиш протезларига мухтожлик (43,5%; 54,6%) кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан юқори, шунингдек зарарли омилларга, иш муддатига, заҳарлилик даражаси ортиб боришига узвий боғлиқ.

2. Объектлар ва улар атрофида бирикмалар меъёрдан бир неча фоиздан, бир неча баробаргача кўп учраши кузатилди; сульфатлар, олтингурут кислота, олтингурут ангидриди (мос равишда 0,1 ва 0,05 мг/м³) ностандарт намуналар 38-55%, олтингурут водороди 11-33%, бензол 20-82%, толуол 22-22% ҳолатда; ишчиларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари коэффицентлари (мос равишда 55% ва 60%) иккала корхона учун ҳам ўзаро боғлиқликда кузатилиши аниқланди.

3. Оғиз бўшлиғи функционал ҳолатларида - интакт тишларнинг электр сезувчанлиги ОКМК ва НТМК да 10 мкА дан 52 мкА; оғиз шиллиқ қавати нерв-рецептор сезувчанлиги - оғриқ ва дискриминация; тилда таъм сезувчанлик; тиш эмали микроқаттиқлиги; кариес резистентлик кўрсаткичи; сўлакда рН (ОКМК рН-5,02±0,09), КХҚ қотишмасидан (5,92±0,39) ва НХК донадор маҳсулотдан (6,3±0,2) сунъий тиш протезларига эга беморлар сўлаги рН-мухитидаги салбий кўрсаткичлари, экологик ноқулай фон салбий омиллари билан узок вақт алоқада бўлган ишчиларда, бир вақтда турли металл қотишмалари маҳсулотларидан сунъий тиш протезлари мавжуд одамларда назорат гуруҳига нисбатан кўп кузатилиши аниқланди.

4. Экологик фон омиллари мавжуд шароитдаги текширилганларда сўлак таркибидаги sIgA 5095,6±398,0 нг/мг (НТМК), 6005,6±328,0 (ОКМК); микроорганизмлар адсорбцияси (мос равишда 186,0±22,4; 1,9±0,2); ОКМК ишчилари қони ва сўлагидан Са миқдори ўсиши, Fe миқдори НТМК ва назорат гуруҳига нисбатан камайиши (P<0,05) кузатилиши, меъёрий кўрсаткичлардан ахамиятли салбий кўринишда, ПМА индекси иккала гуруҳда ҳам ўртача қиймати 47,4±1,36% (назорат гуруҳи 14,9±1,62%) ни ташкил қилишидек қониқарсиз натижани кўрсатди.

5. Бирламчи донадор маҳсулот НХК дан (пўлат ва синма коэффицентини 0,055) тайёрланган сунъий тиш протезлари МХКдан (коэффицентини-0,034) тайёрланган тиш протезидан афзаллигини, «ЛИРА-100» ускунаси ёрдамида

функционал асимметрия синамаси коэффициентини назорат чизиғи ёрдамида баҳолаш, самарали визуал ташҳис ускунаси ёрдамида ўтказиш тўғрилигини тасдиқлади.

6. ОКМК ва НТМК корхоналари ва экологик худуди билан алоқада бўлган одамлар мисолида аниқланган экологик мухит фонидаги омиллар (хаводаги 2-гурух заҳарли аралашмалар) нафакат умумий саломатликнинг салбий ўзгаришларига (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг ортиши), балки сунъий тиш протезлари бирламчи маҳсулотларининг турғунлигига (биоэлетромагнит реакциялар ва голваник тоқлар) ҳам салбий таъсир кўрсатади. Боғлиқлик ўз вақтида тиш протезлари тайёрлашда қўлланиладиган металл қотишмаларининг биоэлектромагнит хусусиятларини инобатга олиб индивидуал ва экологик мухитлардан келиб амалиётга тадбиқ этиш учун кўрсатма бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

НАЗАРОВ УЛУГБЕК КАХРАМОНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗУБНОГО ПРОТЕЗИРОВАНИЯ
КОНСТРУКЦИЯМИ С МЕТАЛЛИЧЕСКИМ КАРКАСОМ ИЗ СПЛАВА
КХС У ЛИЦ, ПРОЖИВАЮЩИХ В ЭКОЛОГИЧЕСКИ
НЕБЛАГОПРИЯТНЫХ РЕГИОНАХ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib829.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте и в Центре повышения квалификации медицинских кадров.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (bumi_info@edu.uz) в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель	Гаффаров Суннатилло Амриллоевич доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты	Мацера Юлия Андреевна доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация)
	Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич доктор медицинских наук
Ведущая организация	Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится 9 сентября 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, улица Алишера Навоий, 1. Тел / факс: (+99865) 223-17-53, e-mail: bumi_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована № 6281) (Адрес: 200118, г.Бухара, улица Алишера Навоий, 1. Тел / факс: (+99865) 223-00-50).

Автореферат диссертации разослан 24 августа 2021 года
(Реестр протокол рассылки № 12 от « 24 » августа 2021 года)



(Handwritten signatures in blue ink)

А.Ш.Иноятов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А.Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (автореферат диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Развитие науки привело к развитию промышленности по всему миру, в том числе, горнодобывающей и металлургической промышленности, вредные вещества, выделяемые в процессе производства, оказывают негативное влияние на работников этой отрасли. Было доказано, что существует причинно-следственная связь между неблагоприятными условиями труда и частотой стоматологических заболеваний. Ортодонтическое лечение также является лидером в лечении стоматологических заболеваний. У представителей различных профессий «... преимущества протезирования металлическими конструкциями из кобальто-хромового сплава ...»¹ Примечательно, что повышение эффективности зубного протезирования у работников горнодобывающей и металлургической промышленности в разных регионах сегодня не только повышает трудоспособность, но и улучшает качество их жизни.

В мире черной и цветной металлургии выброс различных вредных веществ в атмосферу и распространение их в воздухе на рабочем месте губительно сказывается на различных органах и тканях работников, более выраженное проявление этих негативных факторов наблюдается особенно в полости рта. Многими научными исследованиями доказано, что эта ситуация зависит и от трудового стажа работы и от условий, созданных на рабочем месте. Протезирование металлическими конструкциями из кобальто-хромового сплава распространено среди людей, работающих и живущих в экологически неблагоприятных районах металлургической промышленности, но исследования по повышению его медицинской и социальной эффективности, биодоступности материалов, используемых в протезировании на сегодняшний день не завершены и данные исследования успешно продолжаются.

Коренное улучшение системы здравоохранения в нашей стране направлено на «... адаптацию медицинских услуг населению к требованиям стандартов здравоохранения и снижение стоматологических заболеваний больных сахарным диабетом в различных регионах страны ...»² Эти задачи служат повышению качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также формированию системы медицинской стандартизации, внедрению высокотехнологичных методов диагностики и лечения, повышению эффективности медицинских осмотров, пропаганде здорового образа жизни и профилактике заболеваний. Эти задачи помогут вывести на новый уровень современные методы оказания медицинской помощи, профилактику осложнений стоматологических заболеваний, ортодонтическую помощь, мероприятия по повышению эффективности

¹ Жолудев С.Е., Семенчишина В.С. Применение заготовок сплава КХС в виде гранул для профилактики гальванозов полости рта //Уральский медицинский журнал. – 2015. – №. 6. – С. 48-51.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП -№4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

протезирования металлоконструкциями из кобальто-хромового сплава и оказанию качественной медицинской помощи.

Настоящее диссертационное исследование служит выполнению поставленных задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 г. за № УП - 6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельности первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в сфере системы здравоохранения», в Постановлении Президента за № - 4887 от 10 ноября 2020 г. «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания», в Постановлении Президента за № - 4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинской профилактики» и в других нормативных правовых актах, относящихся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование успешно проводилось в соответствии с VI приоритетным направлением развития науки и технологий Республики «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В настоящее время наблюдается широкое распространение стоматологических заболеваний среди работников промышленности, особенно, горно-металлургической промышленности, проживающих в таких экологически неблагоприятных районах, лечение их осложнений ортодонтическим протезированием, при котором использование протезов с кобальто-хромовым сплавом на основе металлических конструкций имеет важное и неопределимое значение (Гаффаров С.А. и соавт., 2017; Жолудев С.Е. и соавт., 2019).

